БИБЛИОФИЛИЯ - (юнонча - китоб,  мухаббат) китобга ва уни йигишга мехр, мухаббат кўйиш билан боглик машгулот, китобсеварлик. Хакикий библиофиллар (китобсеварлар) ўз кизикишлари доирасидаги китобларнинг юксак бадииятини чукур англашлари, яхши ва паст савиядаги китобларни фарклай олишлари, чинакам сўз санъати намуналарини кадрлашлари билан ажралиб туришади. Улар аксарият холда шахсий кутубхоналар ташкил килишиб, атрофидаги кишиларнинг хам маънавий-эстетик юксалишини таъминлашадилар, беихтиёр равишда китоблар таргиботчисига айланадилар.